

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**  
**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

*Қўлёзма ҳуқуқида*

УДК: 336.33 М (575.1)

**ҚАРШИЕВ ДАНИЯР ЭШПУЛАТОВИЧ**

**ЭКСПОРТНИ МОЛИЯВИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ**  
**ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий**  
**даражасини олиш учун ёзилган**

**ДИССЕРТАЦИЯСИ**

**Илмий раҳбар: иқтисод фанлари**  
**доктори, проф. Альмардонов М.И.**

**Тошкент - 2022**

## МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ</b>		<b>3</b>
<b>I-БОБ</b>	<b>ЭКСПОРТНИ МОЛИЯВИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ТИЗИМИНИНГ НАЗАРИЙ-ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ</b>	
	1.1-§. Экспортни молиявий қўллаб-қувватлашнинг зарурлиги, моҳияти ва вазифалари	14
	1.2-§. Экспортни давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш шакллари ва инструментларининг концептуал асослари	19
	1.3-§.Экспортни молиявий қўллаб-қувватлаш тадбирлари самаралари	43
	1.4-§. Экспортни молиявий қўллаб-қувватлаш юзасидан давлатнинг самарали тадбирларига оид хориж тажрибалари	57
	<b>Биринчи боб бўйича хулосалар</b>	<b>59</b>
<b>II-БОБ.</b>	<b>ЎЗБЕКИСТОНДА ЭКСПОРТНИ МОЛИЯВИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ТИЗИМИНИНГ ЖОРИЙ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ</b>	
	2.1-§.Ўзбекистонда экспорт фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш тизими	60
	2.2-§.Экспортга кўрсатилаётган молиявий хизматлар таҳлили	77
	2.3-§.Экспорт устуворлиги асосида ташқи савдо балансини баҳолаш натижалари ҳамда интенсив экспорт имкониятлари таҳлили	85
	2.4-§.Интенсив ва экстенсив экспорт ўсишининг иктисодиётга таъсирини баҳолашнинг эконометрик модели	97
	<b>Иккинчи боб бўйича хулосалар</b>	<b>104</b>
<b>III-БОБ.</b>	<b>ЎЗБЕКИСТОНДА ЭКСПОРТНИ МОЛИЯВИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ТИЗИМИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ</b>	
	3.1-§.Экспортни молиявий қўллаб-қувватлаш тизими самарадорлигини оширишнинг концептуал асослари	107
	3.2-§.Экспортга кўрсатиладиган молиявий хизматларни такомиллаштириш йўналишлари	113
	<b>Учинчи боб бўйича хулосалар</b>	<b>124</b>
	<b>ХУЛОСА</b>	<b>127</b>
	<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати</b>	<b>132</b>
	<b>ИЛОВАЛАР</b>	<b>144</b>

## КИРИШ

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги.** Жаҳон иқтисодиётида етакчи ўрин тутадиган мамлакатлар тажрибаси исботлаб бермоқдаки, мамлакат рақобатдошлиги интеграцияни чуқурлаштиришнинг янги методларини қўллаш асосидикиқтисодий ўсишни рағбатлантиришда экспорт салоҳиятини оширишга тўлалигича боғлиқдир. “Дунё бозорига экспорт қилинган илмий ҳажмдор махсулотларнинг 36 фоизи АҚШ, 30 фоизи Япония, 22 фоизи Хитой давлатига тўғри келади. Ҳар бир миллион аҳоли сониганисбатан инновацион махсулот экспортида банд бўлган илмий ходимлар сони бўйича 1-ўринда Исроил 8250 нафар, 2-ўринда Жанубий Корея 7113 нафар, 3-ўринда эса Япония 5210 нафарни ташкил этади”<sup>1</sup>. Бу эса, фаол, интенсив экспортнинг устувор кўриниши бўлмиш самарали инновацион махсулотлар экспорти ўсишини рағбатлантириш тизимини шакллантириш ва ривожлантириш сингари муҳим масалаларни ҳал этиш заруратини келтириб чиқаради.

Жаҳонда иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида экспортнинг иқтисодий ўсишга ижобий таъсирини молиявий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш бўйича олиб борилаётган илмий тадқиқотларда экспортни қўллаб-қувватлашнинг замонавий услубларини қўллаш, янги восита ва манбалардан фойдаланиш, янги инновацион махсулот ва технологиялар турларини яратиш ва экспортини йўлга қўйиш, замонавий юқори самарадорликка эга инновацион махсулотлар экспортини рағбатлантиришга йўналтирилган илмий изланишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Амалга оширилаётган изланишларда давлатнинг экспортни қўллаб-қувватлашнинг самарали молиявий механизмларини такомиллаштиришнинг назарий-услубий асосларини ишлаб чиқиш бу соҳадаги илмий тадқиқотларнинг устувор йўналишлари ҳисобланади.

Ўзбекистон экспортни молиявий қўллаб-қувватлаш тизимининг ҳозирги замон моделига ўтиши учун ҳамма зарур шароитларга эга. Бу модель “ишлаб

---

<sup>1</sup><https://www.worldbank.org.08-8765-45-> Итоги мирового экспорта результатов инновационной деятельности.

чиқариш қувватларидан ва кенг турдаги хом ашё, шунингдек, меҳнат ресурслари мавжуд бўлган ҳамда ташқи бозорларда рақобатбардош бўлган юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотларни ишлаб чиқаришни таъминловчи афзалликлардан тўлиқ ҳажмда фойдаланишга, экспорт қилувчи корхоналар фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш воситаларини ривожлантиришга, экспортolni ва экспортни молиялаштириш механизмларини яратишга, узок муддатли барқарор ташқи бозорларни шакллантириш ва хорижда ташқи савдо инфратузилмасини яратишга етарли даражада эътибор қаратишга, ҳар хил хизмат турлари экспортини ташкил қилиш ва илгари суриш бўйича тизимли ишларни амалга оширишга, уларни кўрсатиш учун зарур инфратузилмани ривожлантиришга”<sup>2</sup> ҳамда вужудга келтирилган экспорт салоҳиятидан кенг ва самарали фойдаланиш, экспорт таркибидаги ижобий тенденцияларни таъминлаш, экспортнинг хом-ашё экспортига ва давлат буюртмаларини мажбурийлик асосида ижро этишга асосланган экстенсив ва пассив туридан унинг фаол, интенсив турига ўтишга асосланади. Бу жараён мамлакатимизнинг жаҳон бозорида ўзининг тегишли ўрнини эгаллашига ва ўзининг экспорт салоҳиятидан фойдаланиш даражасига кўра ривожланган давлатлар қаторига кириб боришининг зарур шарти ва мустаҳкам пойдевори сифатида хизмат қилади. Экспортнинг иқтисодий ўсишга ижобий таъсирини оширишнинг муҳим аҳамиятига қарамай, уни молиявий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштиришнинг кўпгина назарий ва амалий жиҳатлари етарли даражада ўрганилмай қолмоқда. Бу борада Янги Ўзбекистон шароитида<sup>3</sup> мамлакат ривожланиш истиқболларида экспортнинг иқтисодий ўсишга ижобий таъсирини молиявий қўллаб-қувватлашнинг самарали восита ва усулларидан фойдаланиш масалалари тадқиқ этилмаган. Мазкур вазифаларнинг самарали ижроси мамлакатимизнинг 2022-2026 йиллардаги ривожланиш истиқболларида экспортнинг иқтисодий ўсишга ижобий

---

2 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 декабрь қарори. «Экспортга кўмаклашиш ва уни рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида».

3 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги №ПФ-60-сонли Фармони.

таъсирини молиявий кўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштиришни талаб этади.

Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 декабрдаги ПҚ-4069-сонли “Экспортга кўмаклашиш ва уни рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 14 январдаги ПҚ-4949-сонли “2021 йилда Ўзбекистон Республикасининг экспорт салоҳиятини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 21 октябрдаги ПФ-6091-сонли “Экспорт фаолиятини молиявий кўллаб-қувватлашни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармони, 2022 йил январдаги “Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегияси лойиҳаси тўғрисида” ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6 майдаги 373-сонли “Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги хузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги, 2021 йил 30 мартдаги 167-сонли “Ўзбекистон Республикасида экспортни молиявий кўллаб-қувватлашни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2022 йил январдаги “Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегияси” лойиҳаси тўғрисидаги қарорлари ва мазкур соҳага тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Юқорида қайд этилган ҳолатлар танланган диссертация мавзусининг долзарблигини ва ҳал этилиши кутилаётган илмий-амалий аҳамиятга молик муаммога бағишланганлигини тасдиқлайди. **Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иктисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ ИТД-2 “Демократик ислохотларни янада

чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, миллий иқтисодиётни модернизациялаш ва эркинлаштиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш” лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Сўнгги йилларда экспортга молиявий хизматларни кўрсатишни такомиллаштириш бўйича МДҲ ва хорижий мамлакатларда кўплаб тадқиқот ишлари олиб борилаётган бўлиб, тадқиқот ишимиз давомида МДҲ олим ва мутахассисларидан А. И. Прищепа, О. В. Дацик, Т. И. Бохан, Л. М. Рылова, А. О. Петров, Н. Н. Шеколинский, Н. Петраков, Г. Шагалов ва Р. Т. Юлдашев<sup>4</sup> ларнинг, шунингдек хорижий олим ва мутахассислардан Тодд Мосс, Сара Роз, Жекюз Мелитс, Патрик Мессерлин, Хидеки Фунатсу, Жагдиш Н. Бхаватти, Жованни Ананиа, Мари Бохман ва Колин А. Картер<sup>5</sup> кабиларнинг бу борадаги илмий ишлари ўрганилди ва таҳлил қилинди.

Экспортни молиявий қўллаб-қувватлашнинг иқтисодий ўсишга таъсири масалалари Дж. Хендерсон, Дж. Раучнинг илк тадқиқотларида бошланган бўлса, П. Кругман, Р.Элизондо, Ж.Тисса, Ж.Оттавиано, К.Беренс, М.Брюлхарт, Ф.Трионфеттининг янги иқтисодий география ва монополистик ракобат модели доирасида давом эттирилди.

Экспортнинг иқтисодиёт ривожига таъсири самараларини эмпирик баҳолаш масалалари Г. Хэнсон, П. Эггер, К. Йанг, В. Мартинкус, А. Родригез-Посе, Р.Эзкурранинг тадқиқотларида ўз аксини топган.

---

<sup>4</sup>Прищепа А. И., Дацик О. В. Механизмы внешнеторгового финансирования экспортных операций в международной практике ведения торговли. Экономика и управление. – 2012. - № 2 (34); Т. И. Бохан. Внешнеторговое финансирование экспортных операций в Республике Беларусь. Минск: Минский институт управления. 2012; Рылова Л. М. Предэкспортное финансирование в международной практике. Журнал «Международные банковские операции» 2012. - №1; Петров А. О. Развитие внешнеэкономической деятельности малого и среднего бизнеса в различных странах мира. Научный журнал Донецкого национального университета. 2007; Шеколинский Н. Н. Экспортные кредитные агентства как механизм государственной финансовой поддержки. Диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Москва – 2006; Петраков Н., Шагалов Г. О государственной поддержке российского экспорта. М.: ЦЕМИ РАН, 2006; Юлдашев Р. Т. Департамент гарантирования экспортных кредитов // Страховой бизнес: Словарь – справочник. – Москва: Анкил, 2005.

<sup>5</sup>Todd Moss and Sara Rose. China ExIM Bank and Africa: New Lending, New Challenges. November 2006. [http:// www.eldis.org](http://www.eldis.org); Jacques Melitz & Patrick Messerlin. Export credit subsidies. Economic Policy. Vol 2, No 4. (Apr 1989) [www.jstor.org](http://www.jstor.org); Hideki Funatsu. Export Credit Insurance. The Journal of Risk and Insurance. Vol 53, No 4. (Dec 1986) [www.jstor.org](http://www.jstor.org); Jagdish N. Bhagwati. Export – Promoting Trade Strategy: Issues and Evidence. The World Bank Research Observer. Vol 3., No 1. (Jan 1988) [www.jstor.org](http://www.jstor.org); Giovanni Anania, Mary Bohman and Colin A. Carter. United States Export Subsidies in Wheat: Strategic Trade policy or Expensive Beggar – Thy – Neighbour Tactic? American Journal of Agricultural Economics. Vol 74, No 3. (Aug 1992)[www.jstor.org](http://www.jstor.org)

Экспортнинг интенсив ва экстенсив ўсишини баҳолаш ва таҳлил этишга С.Эвенетт, Э.Венейблс, А.Амурго-Пачико, М.Пиерола, Т. Биседес, Т.Пруса, Д.Хаммельс, П.Клиноу, Г.Фильбермайер, В.Колернинг ишлари багишланган.

Ўзбекистонда экспортни молиявий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш йўлларини ўрганиш нисбатан янги йўналиш бўлиб, бу борадаги тадқиқотлар илк изланишлар ҳисобланади. Экспортнинг иқтисодий ўсишга ижобий таъсирини қўллаб-қувватлашнинг иқтисодий моҳияти ҳамда уни амалга оширишнинг назарий ва амалий асослари Р.Дорнбуш, Р.Шмалензи, С.Фишер, Д.Кейнс, Д.Рикардо, А.Хансен, С.Харрис, С.Мерзляков, Белова И.А.<sup>6</sup>каби хорижлик олимлар томонидан тадқиқ этилган ва муҳим илмий-амалий хулосалар шакллантирилган.

Экспортни молиявий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштиришнинг айрим назарий ва амалий жиҳатлари Т.Маликов, П.Жалилов, Э.Гадоев, Н.Кузиева, Н.Ашурова, И.Ниязметов, А.Ўлмасов, А.Ваҳобов, Д.Тожибоева<sup>7</sup>каби олимларнинг илмий изланишларида ўз ифодасини топган.

Ушбу илмий ишларда экспорт операцияларини молиялаштириш, кичик бизнес экспортини молиявий қўллаб-қувватлаш, экспортга кўрсатиладиган турли-туман молиявий хизматлар, шунингдек экспорт-импорт банклари ва экспорт кредит агентликлари фаолиятини ривожлантириш каби масалалар

---

<sup>6</sup>Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р. Экономика. — М.: Финансы и статистика, 1993; Кейнс, Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег: избранные произведения/пер. с англ. Дж. М. Кейнс. - М.: Экономика, 1983. -С. 118; Рикардо Д. Сочинения т. И. «Начало политической экономики и налогового обложения». Пер. с англ. - М.: Госполитиздат, с.360; Классики кейнсианства (Р.Харрод, Э.Хансен), В 2-х. т.М.: Экономика, 1997г.; Мерзляков С.А. «Стратегическое взаимодействие фискальной и монетарной политики в экспортоориентированной экономике». Деньги и Кредит, 2010. № 2. С. 52-63; Белова И.А. «Типы фискального политики государства» Вестник Челябинского государственного университета. 2010. № 6 (187). Экономика. Вып. 26. С. 69–75.

<sup>7</sup>Маликов Т.С., Жалилов П.Т. Бюджет-солиқ сиёсати. – Т.: Академнашр, 2011. – 13 б.; Гадоев Э., Кузиева Н., Ашурова Н. Солиқ сиёсати стратегияси. Ўқув қўлланма. - Т.: 2013. 27-б.; Ниязметов И.Солиқ юкини оптималлаштириш: назария, услубият ва амалиёт. Монография. – Т.: 2016. 72-б.; Ўлмасов А., Ваҳобов А. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик – Т.: ТДИУ, 2014й., 409-б.; Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси. – Т.: Шарқ. 2003 й., 309-б.;

ўрганилган. Бирок, уларда Ўзбекистон шароитидан келиб чиққан ҳолда тадқиқот олиб борилмаганлиги, тадқиқот ишимизнинг Ўзбекистон нуқтаи-назаридан бу ишларнинг давомчиси бўлишига имкон яратади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Тошкент давлат иқтисодиётуниверситети “Солиқлар ва суғурта иши” кафедраси ҳамда Тошкент давлат иқтисодиёт университети Кенгаши томонидан тасдиқланган бўлиб, университет илмий тадқиқот ишларининг устувор йўналишларига мос келади.

**Тадқиқот мақсади** бўлиб Ўзбекистонда экспортни молиявий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган илмий-амалий тавсияларни ишлаб чиқиш ҳисобланади.

**Тадқиқот вазифалари.** Ушбу мақсадга эришиш учун изланиш олдига қуйидаги вазифалар қўйилди:

-назарий ва эмпирик тадқиқотларда экспортнинг зарурлиги, моҳияти ва вазифаларини ўрганиш;

-экспортни давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлашнинг концептуал асосларини ўрганиш;

-экспортга кўрсатиладиган молиявий хизматларни ўрганиш;

-экспортга кўрсатиладиган молиявий хизматларни ривожлантиришнинг хориж тажрибасини ўрганиш;

-Ўзбекистонда экспортни молиявий қўллаб-қувватлашнинг жорий ҳолатини таҳлил қилиш;

-Ўзбекистонда экспортни ривожланишига тўсқинлик қилувчи молиявий омилларни ўрганиш;

-Ўзбекистонда экспортга кўрсатиладиган молиявий хизматларни янада ривожлантириш борасида илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқиш ва бошқалар (1-Илова).

**Тадқиқотнинг объекти** бўлиб, экспортга хизмат кўрсатувчи молиявий муассасалар ҳисобланади.



**Тадқиқотнинг предмети** бўлиб, экспортни молиявий қўллаб-қувватлаш тизимида юзага келадиган молиявий-иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотнинг методологик асоси бўлиб экспортни молиявий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш амалиёти бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва меъёрий ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фундаментал асарлари, ташқи савдо сиёсати, экспортни молиявий қўллаб-қувватлаш сиёсати, божхона сиёсатига доир иқтисодий назария ва ижтимоий-иқтисодий системология асослари хизмат қилади.

Илмий изланиш жараёнида тадқиқот олиб боришнинг гуруҳлаш, тизимли қиёсий таҳлил ва тизмили ёндашув, иқтисодий-математик моделлар, корреляцион, регрессион, эксперт ва таққослама таҳлили, башоратлаш, маълумотларни статистик ишланмаси, гуруҳлаш методлари ва бошқа замонавий усулларидадан фойдаланилади.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

экспортга кўрсатиладиган молиявий хизматларни такомиллаштириш мақсадида экспорт-импорт операцияларини молиялаштиришга ихтисослашган махсус экспорт-кредит агентлиги (ЭКА) ни ташкил этиш зарурлиги илмий асосланган ва унинг молияси тадқиқ этилган;

экспорт қилувчилар учун экспорт олди кредитлари бўйича кредит суммасининг 50 фоизигача бўлган миқдорига давлат томонидан кафиллик бериш амалиётини жорий этиш таклифи берилган;

маҳаллий экспорт қилувчи корхоналар ташиш харажатларини 50 фоизигача миқдорда компенсация қилишга субсидиялар тақдим этиш амалиёти таклиф этилган;

тайёр маҳсулот экспорти улуши 50 фоиздан юқори бўлган юридик шахсларга уларнинг аризаларига кўра экспортга мўлжалланган маҳсулот ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган хом ашё, бутловчи буюмлар ва материаллар импортида қўшилган қиймат солиғи тўлашни божхона декларацияси қабул қилинган кундан бошлаб 120 кунга кечиктириш

имкониятини бериш амалиёти таклиф этилган.

### **Тадқиқотнинг амалий натижалари:**

- давлатнинг экспортни ривожлантириш дастурлари ижроси амалиётининг жаҳондаги илғор тажрибалари ҳамда бу борада Ўзбекистондаги мавжуд имкониятларнинг тадқиқи асосида экспортни молиявий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштиришнинг зарурлиги ва аҳамияти асосланган;

- мамлакатимиз экспорт салохиятини бошқаришнинг амалдаги механизми таҳлили асосида экспортнинг иқтисодиётривожига таъсирини баҳолаш услубиётининг заиф жиҳатлари аниқланган ҳамда уни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

- иқтисодиётмодернизацияси ва либераллашуви шароитидаги Ўзбекистон Республикасида турли омилларнинг ўзаро алоқадорлигини тадқиқ этишнинг янги концептуал схемаси асосида экспортни молиявий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштиришнинг ўрта ва узоқ муддатли вазифаларни амалга оширишга қаратилган комплекс тадбирлари тизими таклиф этилган;

- 2030 йилгача Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш Концепциясига ҳамоҳанг тарзда 2022-2030 йилларда Ўзбекистон Республикасида экспортни молиявий қўллаб-қувватлаш тизими самарадорлигини ошириш Концепциясининг махсус модели ишлаб чиқилган.

**Олинган натижаларнинг ишончлилиги** тадқиқотда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалардан, жумладан Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги статистика департаментининг маълумотларидан олингани ҳамда тегишли хулоса ва таклифларнинг амалиётга жорий қилингани билан белгиланади.

### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Диссертацияда асосланган назарий, услубий ва амалий тавсиялар ҳамда ишланмалар истиқболда экспортни молиявий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш йўллари юзасидан давлат тадбирларини ишлаб чиқишда муҳим методологик манба бўлиб хизмат қилади.

### **Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.**

Ўзбекистонда экспортни молиявий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

экспортга кўрсатиладиган молиявий хизматларни такомиллаштиришнинг муҳим омили ва самарали молиявий дастаги сифатида Ўзбекистон Республикасида ҳам Хитой, Япония, Жанубий Корея, АҚШ ва бошқа давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб экспорт-импорт операцияларини молиялаштиришга ихтисослашган махсус Экспортни рағбатлантириш агентлигини ташкил этиш бўйича тавсия Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 декабрдаги ПҚ-4069-сонли “Экспортга кўмаклашиш ва уни рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарорини ишлаб чиқишда инobatга олиниб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2019 йилдан бошлаб ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда 15 миллион АҚШ долларидан кам бўлмаган миқдордаги маблағни Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлигига ажратишни кўзда тутган (Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлигининг 2022 йил 31 мартдаги 39-03/04-1/1022-сон маълумотномаси). Хужжатнинг қабул қилиниши натижасида 2021 йилда мамлакатимиз экспорт ҳажми 2020 йилга нисбатан 10 фоизга ошган;

экспорт қилувчилар учун экспорт олди кредитлари бўйича кредит суммасининг 50 фоизигача бўлган миқдорига давлат томонидан кафиллик бериш бўйича тавсия Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил

24 майдаги ПҚ-4337-сонли“Экспорт фаолиятини молиялаштириш ва суғурта химояси механизмларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида“ ги Қарорини ишлаб чиқишда инобатга олинган (Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлигининг 2022 йил 31 мартдаги 39-03/04-1/1022-сон маълумотномаси). Хужжатнинг қабул қилиниши натижасида 2020 йилда импорт маҳсулотларига нисбатан ўрнатилган ўрта арифметик божхона ставкалари 14,5 фоиздан 6,4 фоизга тушган. Бу эса рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини рағбатлантириш, республикада рақобат муҳитини ривожлантириш, юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотлар экспортини қўллаб-қувватлашга қаратилган божхона-тариф сиёсатини янада самарали бошқариш имкониятини яратган;

маҳаллий экспорт қилувчи корхоналар ташиш харажатларини 50 фоизгача миқдорда компенсация қилишга субсидиялар тақдим этиш бўйича тавсия Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 майдаги ПҚ-4337-сонли “Экспорт фаолиятини молиялаштириш ва суғурта химояси механизмларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида“ ги Қарорини ишлаб чиқишда инобатга олинган (Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлигининг 2022 йил 31 мартдаги 39-03/04-1/1022-сон маълумотномаси). Хужжатнинг қабул қилиниши натижасида 2021 йилда экспорт қилувчи корхоналар сони 2019 йилга нисбатан 17 фоизга ошган;

тайёр маҳсулот экспорти улуши 50 фоиздан юқори бўлган юридик шахсларга уларнинг аризаларига кўра экспортга мўлжалланган маҳсулот ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган хом ашё, бутловчи буюмлар ва материаллар импортида қўшилган қиймат солиғи тўлашни божхона декларацияси қабул қилинган кундан бошлаб 120 кунга кечиктириш имкониятини бериш бўйича тавсия Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 майдаги ПҚ-4337-сонли“Экспорт

фаолиятини молиялаштириш ва суғурта ҳимояси механизмларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида“ ги Қарорини ишлаб чиқишда инобатга олинган(Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлигининг 2022 йил 31 мартдаги 39-03/04-1/1022-сон маълумотномаси). Ҳужжатнинг қабул қилиниши натижасида 2021 йилда мамлакат экспорт таркибида тайёр маҳсулотлар ҳажми 2017 йилга нисбатан 12 фоизга ошди.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш, шу жумладан, миллий ОАК эътироф этган журналларда 3 та, нуфузли хорижий журналларда 2 та илмий мақола, шунингдек, илмий-амалий конференцияларда 5 та маъруза ва тезислар нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, қисми саккизта параграфни ўз ичига олган учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 143 бетни ташкил этади.